

Date: 29th March-2026

ЛУГАТЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ

Abdulhamidova Sadoqat Karimjon qizi

UNIVERSITY OF BUSINESS AND SCIENCE TOSHKENT FILIALI o'qituvchisi

E-mail: Sadoqat.karimjonqizi@gmail.com

Tel: (95) 286 00 52

Аннотация: Келтирилган тезисда лугатчилик тарихи ёритилган бўлиб, энг биринчилардан Аристотел ва Панини каби мутафаккирлар томонидан тил қоидаларини тузиш бўйича биринчи уринишлар қилинган эканлигини ва Мусулмон Шарқида Абу Наср Фаробий, Замахшарий, Махмуд Қошғарий каби олимлар томонидан лугатчилик ривожлантирилганлигини билишимиз мумкин.

Калит сўзлар: лугатчилик, тилдаги шакллар, тиббиёт терминологияси, имло лугати.

ИСТОРИЯ СЛОВАРЕЙ

Аннотация: В данной работе освещается история лексикографии, и мы можем узнать, что первые попытки составления языковых кодов были предприняты такими мыслителями, как Аристотель и Панини, а лексикография развивалась благодаря таким ученым, как Абу Наср Фароби, Замахшари и Махмуд Кушгари.

Ключевые слова: лексика, языковые формы, медицинская терминология, орфографический словарь.

THE HISTORY OF DICTIONARIES

Annotation: In this thesis, the history of lexicography is illuminated, and we can know that the first attempts to compile language codes were made by thinkers such as Aristotle and Panini, and that lexicography was developed by scholars such as Abu Nasr Farobi, Zamakhshari, and Mahmud Kushgari.

Key words: vocabulary, language forms, medical terminology, spelling dictionary.

Луғатчилик — бу тилининг тарихи, маданияти ва илмий бойлигини акс эттирувчи муҳим соҳадир. Луғатлар қадим тарихга эга. Тилшунослик тарихида машҳур тилшунос олимлар тил даражаларини ўрганишда сўзнинг бир маъносининг бошқа бир маъно билан боғланишлари кам аҳамият касб этишини эътироф этадилар. Шу муносабат билан тил назарияси асосчиси В. Фон Гумболдт шундай таъкидлаган эди: “Тилдаги шакллар яқка ҳолда яшамайди, балки бутуннинг бир қисми сифатида мавжуд бўлиши мумкин”⁶.

⁶ В. Фон Гумболдт. “Über die Verschiedenheit des menschlichen Sprachbaues und ihren Einfluss auf die geistige Entwicklung des Menschengeschlechts” (1827—1829).В.54



Date: 29th March-2026

Маълум бир тил ёки икки ва ундан ортиқ тил сузларини егиб, системалаштирилган холда лугат тарзида чикариш лексикография дейилади. Лугат тилшуносликка оид барча терминларни камраб олмайди, албатта. Лугатга энг куп кулланадиган терминлар киритилади. Лугат сузлигини белгилашда, яъни у ёки бу терминни лугатга киритиш-киритмасликда унииг ўзбек тилига оид адабиётларда, тилшунослик курслари буйича ўқиш-ўқитиш ишлари жараёнида қўлланиш-қўлланмаслигига, қўлланиш даражасига эътибор берилди.

Илк луғатлар диний ва илмий матнларни тушунишни енгиллаштириш мақсадида яратилган. Масалан, Аристотел ва Панини каби мутафаккирлар томонидан тил қоидаларини тузиш бўйича биринчи уринишлар қилинган. Мусулмон Шарқида Абу Наср Форобий, Замахшарий, Махмуд Қошғарий каби олимлар томонидан луғатчилик ривожлантирилган. Хусусан, "Девону луғатит турк" асари туркий тилларнинг илк луғати сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Аниқроқ қилиб айтганда, ўбек тилида бор, шу тилга ходисаларни ва барча тиллар учун умумий ходисаларни ифодаловчи терминларгина луғатга киритилди.

Махмуд Қошғарий — XI асрнинг йирик тилшуноси, лингвист ва туркшуноси. У асарни 1072–1074 йиллар оралиғида Бағдод шаҳрида яратган.

Ҳар бир сўз араб тилида изоҳланган ва туркий тилларда мисоллар келтирилган. Асарда туркий тиллар орасида оғуз, кипчоқ, қарлуқ, уйғур, қирғиз, тоғлиқ турклар тили ва шеваларига оид сўзлар учрайди. Бу тиллар ўша даврдаги турк халқлари лингвистик манзарасини акс эттиради.

Мисол сифатида шеърлар, мақоллар, иборалар берилган. Бу материаллар туркий халқларнинг оғзаки ижоди ҳақида ҳам маълумот беради.

Саиднўмонов Акмалхўжа Комилжоновичнинг «Ўзбек тили тиббиёт терминологияси ва унинг лексикографик талқини» тадқиқотида Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида тиббий терминлар ҳақида жуда ҳам керакли изланишлар олиб борилган. Куп касаллик номлари аниқланган.

Масалан: **буқак** – *буқоқ* (II,329), **толғағ** – *юрақ буруғи, ич кетиши* (II,333), **бэзгак** – *безгак* (II,334), **јаман иг** – *ёмон касаллик* (III,36), **бэз** – *эт билан тери орасида пайдо бўладиган шиш* (III,134), **сiш** – *шиш* (III,139), **коғ** – *хотинлар юзига тушадиган доғ* (III,146).

Лугатлар яратиш тарихида, "Девону луғатит турк" асаридан кейин Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари муҳим урин тутди. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асаридаги луғатлар лексик бойлик ва тил хусусиятлари ҳақида қўлаб олимлар илмий изланишлар олиб борган. Юсуф Хос Ҳожиб асарини луғат нуқтаи назаридан ўрганган олимлардан бири ва XIX асрнинг машҳур туркшуноси, Академик В.В. Радлов. Олим "Қутадғу билиг" асари матнини нашр этиш, таржима ва таҳлил қилишда катта ҳисса қўшган. Туркий тилларнинг лексикасини ўрганган.

В.В. Радлов XIX аср охирида Қутадғу билиг нусхаларидан бирини қўлга киритган (хусусан, Вена ва Каир нусхалари). У ушбу асарни ўрганиб, туркий тилларнинг тарихи ва лексикаси учун беқиёс манба эканини таъкидлаган. Асарни



Date: 29th March-2026

матн, луғат ва таржима жиҳатидан таҳлил қилган. Радлов асарни лотин алифбосида нашр этиш устида ишлаган. Унинг саъйи билан туркий лугатлар ва Қутадғу билиг сўз бойлиги илмий муомалага кирди. Радлов асардаги сўзларни луғат шаклида тузиб, уларнинг семантикаси (маъноси) ва этимологиясини изоҳлаб берган.

Радловнинг ишлари нафақат рус, балки европалик туркшунослар учун ҳам асосий манба бўлиб хизмат қилган. У орқали “Қутадғу билиг” — туркий ёзма адабиётнинг илк шоҳ асарларидан бири сифатида илмий доирада тан олинди. “Тексты, собранные турецкими наречиями” (Туркий шевада тўпланган матнлар) — ушбу кўп томлик тўпланда “Қутадғу билиг”дан парчалар, луғатлар ва тил таҳлили ҳам киритилган. В.В. Радлов “Қутадғу билиг” асарини илмга танитган илк йирик европалик олимлардан бири бўлиб, у туркий тилшунослик, лексикография ва луғатчиликнинг асосчиларидан ҳисобланади.

Кейинги йилларда ўзбек олимлари ҳам сезиларли даражада ўзбек тили луғатчилигига ҳисса қушишди. Бунга мисол сифатида А.Ҳожиёв, Ш.Раҳматуллаевларнинг 1995-йилда нашр этилган “Имло луғати” китобини келтириш мумкин. Бунда асосан ўзбек алифбоси имлоси, аниқроқ айтканда унлилар ва ундошлар ёзилиши ва айтилиши имло қоидалари жуда ҳам аниқ ва равион келтирилган.

Масалан :

-**chi**, -**a** (-**ya**), -**ku**, -**u** (-**yu**), -**da**, -**e**, -**ey** (-**yey**) юкламалари чизикча билан ёзилади: **sen-chi**, **boraylik-chi**, **sen-a**, **kutaman-a**, **bola-ya**, **mingta-ya**, **keldi-ku**, **kelgan-u**, **yaxshi-yu**, **yax-shi-da**, **qo'ye**, **yashang-e**, **og'lim-ey**, **keldi-yey** каби. Аммо **mi**, -**mi**, -**oq** (-**yoq**), -**ov** (-**yov**), -**gina** (-**kina**, -**qina**) юкламалари ўзидан олдин келган сўзга қўшиб ёзилади: **keliboq**, **o'ziyoq**, **ko'rganov**, **ko'rdiyov**, **mengina**, **qo'shiqqina** каби.

-Рус тилидан айнан ёки сўзма-сўз таржима қилинган сўзлар аслига мувофиқ чизикча билан ёзилади: **unter-ofitser**, **kilovatt-soat**.

Ўзбек тили луғатчилиги қадимдан бошланиб, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб каби олимлар асарлари билан бойиган. XIX асрда В.В. Радлов каби туркшунослар туркий тиллар лексикасини илмий ўрганишга катта ҳисса қўшган бўлса, замонавий даврда эса ўзбек олимлари томонидан яратилган имло ва терминологик луғатлар тилнинг ривожланишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, нафақат ўзбек тили, балки рус тили луғат яратиш тарихи ҳам узоқ ва мароқли йўлдан ўтган: оғзаки анъанадан тортиб, илмий ва рақамли лексикографиягача ривожланган. Бу жараёнда кўплаб олимлар, давлат арбоблари ва адабиётшунослар иштирок этган. Илк рус ёзма ёдгорликлари XI асрга тегишли бўлиб, улар орасида «Остромиров Евангелиеси» (1056–1057) муҳим аҳамиятга эга. Бу даврда луғат шаклидаги ёзма асарлар ҳали йўқ бўлган эди, лекин таржимонлар ва дин арбоблари хорижий (асосан грек) сўзларнинг маъноларини тушунтиришга ҳаракат қилишган.



Date: 29th March-2026

XII-XV асрларда илк «азбуковники» — яъни, лексик тузилмалар пайдо бўла бошлаган. Улар одатда диний ва юриспруденция соҳасига оид сўзларнинг изоҳларидан иборат бўлган.

1627 йил — Илк маълум рус луғати — «Лексикон славеноросский» (автори — Памво Беринда, Украинада яратилган) пайдо бўлган. Бу луғатда славян ва рус сўзларига изоҳлар берилган.

XIX аср — лексикографиянинг ривожланишида В. И. Даль (1801-1872) — рус луғатчилиги тарихидаги энг катта ном олган. 1863–1866 йилларда унинг «Толковый словарь живого великорусского языка» (4 томда) нашр этилган.

Ушбу луғатда 200 000 дан ортиқ сўз, ибора ва мақоллар жамланган. Бу луғат халқ оғзаки ижоди, диалектлар ва адабий тил бойлигини қамраб олган.

XX аср — совет луғатчилиги такомиллашкан. СССР даврида рус тили давлат тили сифатида фаол равишда ривожлантирилган ва «Толковый словарь русского языка» (Ожегов, 1949 йил) — кенг оммага мўлжалланган муҳим луғат тақдим қилинган.

XXI аср — рақамли луғатлар ва корпуслар. Электрон ва онлайн луғатлар пайдо бўлди (Яндекс.Толковый словарь, Грамота.ру ва бошқалар). Рус тили Миллий корпуси яратилди — бу лексикографик ишларни автоматлаштириш ва илмий таҳлил қилиш имконини берди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир тилнинг ривожланишида луғатчилик алоҳида ўрин тутди. Луғатлар тилнинг сўз бойлигини, маънолар тизимини ва тарихий ўзгаришларини акс эттиради. Ўзбек ва рус тилларида ҳам луғат яратиш жараёни узоқ ва мураккаб тарихга эга. Ҳар икки тилда ҳам илк босқичда оғзаки анъаналарга асосланган бўлса, кейинчалик илмий, адабий ва рақамли луғатлар ривожланиб борди. Бугунги кунда эса ҳар икки тилда ҳам луғатчилик соҳаси замонавий технологиялар ёрдамида янги босқичга чиқмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.Ф. Гумбольдт, “Über die Verschiedenheit des menschlichen Sprachbaues und ihren Einfluss auf die geistige Entwicklung des Menschengeschlechts” (1827—1829)
2. Аристотель, О категориях; Панини, Аштадхьяи
3. Махмуд Қошғарий, Девону луғатит турк
4. Қаранг: М. Қошғарийнинг асарлари
5. Саиднўмонов А.К., Ўзбек тили тиббиёт терминологияси ва унинг лексикографик талқини
6. В.В. Радлов, Кутадғу билиг таҳлиллари
7. Радлов В.В., Введение в изучение тюркских языков
8. Радлов В.В., Тексты, собранные турецкими наречиями
9. А.Ҳожиев, Ш.Раҳматуллаев, Имло луғати, 1995
10. Остромиров Евангелиеси, 1056–1057
11. Памво Беринда, Лексикон славеноросский, 1627



**CONTINUING EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE,
INNOVATION, AND TRANSFORMATION.
International online conference.**

Date: 29th March-2026

12. В.И. Даль, Толковый словарь живого великорусского языка
13. С.И. Ожегов, Толковый словарь русского языка, 1949
14. Русский национальный корпус (ruscorpota.ru)



International Conferences
Open Access | Scientific Online | Conference Proceedings

